# I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ҲУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 20604 тани ташкил қилди. (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 117,6 фоизга кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2019 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(жамига нисбатан фоизда)*



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 41,9 фоизи), саноат соҳасида (27,9 фоиз), қурилишда (7,8 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (6,2 фоиз) ташкил этилган.

2019 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 74,2 фоизи (2018 йил январь-июнда 69,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 153,2 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 81,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 217,5 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 70,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши**

( *январь-июнь ойлари ҳолатига, фоизда)*



**Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми**
*(2019 йил январь-июнь ойларида)*

| | ***Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм*** | ***Жами ҳажмга нисбатан улуши, % ҳисобида*** |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 5489,5 | 96,8 |
| Саноат | 2634,5 | 71,0 |
| Қурилиш | 1255,5 | 95,5 |
| Чакана савдо | 4195,1 | 89,2 |
| Юк ташиш, *млн тн.* | 12,7 | 95,4 |
| Йўловчи ташиш, *млн.киши* | 225,5 | 97,8 |

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан 5489,5 млрд.сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми (кўрсатилган хизматлар) ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,3 фоизга (жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,8 фоизи) ўсди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2634,5 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 71,0 фоизи) ёки 2018 йилнинг январь-июнь ойлари якунига нисбатан 113,3 фоизга ўсди;

- 2426,9 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 43,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-июнь ойлари якунига нисбатан 156,4 фоизга ўсди;

- 1255,5 млрд.сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,5 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 121,1 фоизга кўпайди;

- чакана товар айланмаси 4195,1 млрд.сўм, умумий ҳажмнинг 89,2 фоизи ёки 102,2 фоизга ўсиш билан, хизматлар умумий ҳажми 2176,5 млрд.сўм, мос равишда 65,2 фоизи ёки ўсиш суръати 104,8 фоизни ташкил этди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 114,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 91,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 98,1 фоизи) кўпайиши таъминланди.